

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Болтаев Нурали Шираматович**

Тошкент давлат аграр университети таянч докторанти

E-mail: [n.sh.boltaev@mail.ru](mailto:n.sh.boltaev@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимиз олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг ривожланиш босқичлари ва олий таълим муассасаларини ривожланиш тенденциясилари масаласига эътибор қаратилган. Шунингдек, олий таълим тизимини ривожлантириш ва меҳнат бозори учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнига таъсир этувчи омиллар кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** ривожланиш босқичлари, рақобатбардош, таълим тизими, меҳнат бозори, ривожланиш тенденциялари, кадрлар тайёрлаш, ривожлантириш.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье уделено внимание на вопросы этапов развития подготовки кадров в высшей образовательной системе страны и тенденций развития высших учебных заведений. А также указаны факторы влияющие на развитие высшей образовательной системы и влияющие на подготовку конкурентоспособных кадров для рынка труда.

**Ключевые слова:** этапы развития, конкурентоспособный образовательная система, рынок труда, тенденции развитие, подготовка кадров, развитие.

### ABSTRACT

This article focuses on the development stages of personnel training in the higher educational system of the country and the development trends of higher educational institutions. And also the factors influencing the development of the higher educational system and influencing the training of competitive personnel for the labor market are indicated.

**Key words:** development stages, competitive educational system, labor market, development trends, personnel training, development.

### КИРИШ

Сўнгги йилларда республикамиз таълим соҳасида жадал ислоҳатлар олиб борилмоқда. Таълим соҳасини янги сифат босқичига олиб чиқиши мақсадида

олий таълим муассасаларига бир қатор имтиёзлар берилиб, глобаллашув шароитида давлатимизнинг келажагини ташаббускор, стратегик ва креатив фикр юритадиган, билимли ва юқори малакали янги авлод кадрларисиз тасаввур этиб бўлмаслигини бугунги куннинг ўзи кўрсатмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-639-сонли “Таълим тўғрисида”ги[1] Қонунининг янги таҳрирда қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида меҳнат бозорига юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда[2]. Хусусан, ёшларнинг таълим олиш қамровини кенгайтириш, республикамизда олиб борилаётган ислоҳатларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва креатив фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш учун замин яратмоқда[3].

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан Е.Е.Чугунова, Е.С.Мешенко, Н.Кононетс, Е.Ю.Хилова, Т.Т.Черкашина, Н.А.Ковалева каби олимларнинг илмий ишлари таълим тизимини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишга бағишланган [4].

Республикамиз таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш юзасидан бир қатор олимлар ўз илмий изланишларини олиб борганлар. Хусусан, А.О.Очилов[5], О.С.Қаҳхоров[6], А.С.Кучаров[7], А.А.Махмудов[8], Т.Тешабоев[9], А.Э.Норов[10], Ж.О.Кучаров[11] ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган.

## ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг ривожланиш босқичлари ва тенденцияларининг устувор йўналишлари кўрсатиб берилди. Олий таълим соҳасини ривожланиш босқичлари ва тенденциялари бўйича изланиш олиб борилди. Ҳозирги кунга қадар олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш жараёнининг босқичларидан келиб чиқиб, келгусида меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган салоҳиятли кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда олий таълимда кадрларни тайёрлашнинг тараққиёт йўналишларини белгилаб берилди. Тўпланган маълумотлар асосида

иқтисодий таҳлилнинг қиёслаш, эмпирик методлари – умумлаштириш, гурӯҳлаш, қузатиш, тизимли ёндашув каби услублардан самарали фойдаланилди.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Мамлакатимиз мустақиликка эришгандан сўнг таълим тизимида ҳам ўз йўналишни белгилаб олиши, стратегик жиҳатдан замонавий таълим принципларини ўзлаштириши яққол намоён бўла бошлади. Шу боис, 1991 йилдан бошлаб босқичма-босқич таълим тизимини ислоҳ қилиш бошланди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги “Таълим тўғрисида”ги 636-XII-сонли қонуни қабул қилиши соҳа учун янги йўналишдаги имкониятларни очиб берди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори[12] билан мамлакатимизда олий таълим тизимининг бошланиш нуқтаси бўлган ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш масаласи кенг эътибор берилиб, жорий этила бошланди.

Шу билан бир қаторда таълим тизимида олиб борилган ислоҳатлар натижасини кўриш ва меҳнат бозорига рақобатбардош кадрларни етказиб бериш бош мақсад қилиб белгиланди. Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, замонавий таълим йўналишларини ташкил этиш, олий таълимда ёшлар қамровини кенгайтириш, олий таълим муассасаларининг филлиаллари, нодавлат олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши тизим учун яратилган ишларнинг яққол намунаси бўлди. Бу олий ўқув юртларида иқтидорли, дунё қараши кенг, билимли кадрларнинг тарбияланиши турли соҳалар учун кадрларга бўлган талабини тўлалигича таъминлаб бера бошлади.

Бугунги кунда эса, республикамида фаолият кўрсатаётган бир қатор олийгоҳлар, дунёning етакчи олий таълим муассасалари билан тенгма тенг рақобатлаша олиши мамлакатимизда таълим тизимининг аниқ модели ишлаб чиқилганлигини кўрсатиб беради.

Умуман олганда таълим соҳасини ривожлантириш борасида республикамида мустақилликка эришганимиздан бошлаб шу кунга қадар 3 та қонун, 35 та фармон ва қарорлар, 50 дан ортиқ Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган.

Шундан келиб чиқиб, таълим тизимини ривожланиш жараёнининг босқичларини таҳлил қиласиган бўлсак, шу давргача таълимнинг энг оптималь ва самарали йўлларини қўллаш орқали таълим сифатини ошириш, хизматлар соҳасини ривожлантириш, таълимнинг изчиллигини таъминлаш, меҳнат

бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва бошқа масалаларига эътибор берилган ҳамда амалиётга жорий этиб келинмоқда. (1-жадвал)

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасини ривожланиш босқичлари<sup>1</sup>

Босқичлар	Босқичлар даври	Белгиланган мақсад ва вазифалар
I-bosқич	1991-1997 йиллар	Таълимни ислоҳ қилиш, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, кадрлар салоҳияти ва иш ўринларининг мавжудлигини ўргангандан ҳолда кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш даври
II-bosқич	1997-2004 йиллар	Таълим соҳасининг самарали фаолият юритиши учун меъёрий-хуқуқий базани яратиш ва мустаҳкамлаш, ўрта-маҳсус, касб-хунар ва иккинчи таълимни йўлга қўйиш даври
III-bosқич	2004-2017 йиллар	Таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, молиялаштириш тизимини рағбатлантириш, таълимнинг тўлиқ узлуксизлиги таъминлаш даври
IV-bosқич	2017 йилдан бошлаб ҳ.в.	Таълим олиш имкониятларини ошиши, соҳага масофавий ва рақамли технологияларни жорий қилиш, таълим муассасаларига академик, ташкилий ва молиявий мустақиллик бериш ҳамда таълим тизими орқали Янги Ўзбекистонни барпо этиш даври

Ривожланиш босқичларини йиллар кесимида кўриб чиққанимизда 1991-1997 йиллар мобайнида таълимни ислоҳ қилишда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни олиб борилиши, кадрлар салоҳияти ва иш ўринларининг мавжудлиги каби бир нечта омиллар ўрганилиб, шу асосида кадрлар тайёрлашга эътибор берилган. 1997-2004 йилларда кадрлар тайёрлашда қўйиладиган асосий талабларнинг белгиланиши, нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, таълим тизимида узвийликни таъминланиши, бепул таълим тизимининг кенг қўлланиши, иқтидорли ёшларни чет эл мамлакатларида ўқишини қўллаб-қувватлаш жараёнларининг кенг жорий этилиши таълимнинг сезиларли даражада ўсишини таъминлаб берди. Шунингдек, таълим тизимини ривожлантириш учун норматив-хуқуқий база такомиллаштирилган. 2004-2017 йилларда мамлакатимизда ўрта маҳсус тизимининг 9 йиллик қилиниши, хориж тажрибаси асосида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни ташкил этилиши, таълимнинг тўлиқ узлуксизлиги таъминланиши, хорижда талаба ва мутахассис кадрлар малакасини оширилишига алоҳида эътибор қаратилган.


<sup>1</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

Таълимнинг ривожланиш босқичининг 2017 йил ва ҳозирги даврига қадар туб ислоҳатлар негизида, янги Ўзбекистон ривожланишининг тараққиёт босқичига чиқиши қуйидаги изоҳланади: **биринчидан:** янги таълим тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши, касб-хунар коллежлар тутатилиб профессионал таълим ва касб-хунар мактабларининг ташкил этилиши; **иккинчидан:** таълим тизимида рақамли университет лойиҳасини жорий этилиши, Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими (HEMIS-Higher Education Management Information Systems) ишлаб чиқилиши ахборот тизими “Маъмурий”, “Ўқув”, “Илмий” ва “Молиявий” жараёнларини бошқариш модуллари амалиётга кенг тадбиқ этилиши; **учинчидан:** таълим жараёнларини ўқитишда масофавий, сиртқи, дуал, инклузив ва бошқа шаклларини жорий этилиши, таълим олиш муддатларининг бакалавриат йўналишлари учун камидаги 3 йил, магистратура мутахассисликлари учун камидаги 1 йил этиб белгиланиши; **тўртинчидан:** 2022 йилдан бошлаб республика бўйича 35 та олий таълим муассасаларига академик, молиявий, ташкилий мустақиллик берилиши, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилиниши, интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаoliyatни самарали ташкил этишилиши ва ҳ.к.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, бу босқичларнинг асосий вазифалари таълим тизими ижтимоий-иктисодий ўсишининг янги босқичларга узлуксиз олиб чиқиш ҳамда таълим жараёнларини фаол равишда ривожлантириб, кадрларга қўйиладиган талабларни бевосита назоратга олиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш имконини беради. Шу билан бир қаторда ҳозирги таълим тизимида айрим муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда лекин мамлакатимиздаги олиб борилаётган айни пайтдаги фаол сиёsat орқали давлат уларни бартараф этишга ҳаракат қилмоқда. Таълимни ривожлантириш соҳасидаги барча мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш пухта режалаштириш, инновацион ёндошув асосида ишлаб чиқилган стратегия, мавжуд ресурсларга эътибор бериш, раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлашни таъминлаш ва соҳа учун тегишли тартиб қоидаларни такомиллаштиришни талаб қиласди. Мамлакатимиздаги ҳозирги стратегик мақсадларидан бири сифатида аҳолининг таълим олиш даражасини ошириш, интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, малакали мутахассислар сонини кўпайтириш ва таълим сифатини оширишга алоҳида ёндошиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш ва уни таълим тизимида амалга ошириш провард мақсад қилинган. Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги

олий таълим тизимини ривожланиш тенденцияларини ҳаётга тадбиқ этиш орқали янада соҳани барқарорлигини таъминлашга эришишимиз мумкин.

### Олий таълим тизимини ривожлантириш тенденциялари



Мазкур ривожланиш тенденцияларини изчиллик билан олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш жараёнида самарали тадбиқ этилса, албатта бу ўз натижаларини қисқа муддатларда кўрсатади.

### ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимизда глобаллашув жараёнларини ҳисобга олган ҳолда таълим тизимининг тузилиши ва ушбу соҳадаги давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳозирги йўналишлари жамиятнинг янги авлод олдига қўйган қадриятлар ва мақсадларни ўзида мужассам этган. Айни пайтда таълим сифатининг пасайиши, билим беришда молиявий муаммоларнинг юзага келиши, кадрлар тайёрлаш даражасининг пастлиги кузатилмоқда. Бундан ташқари, таълим жараёнининг узлуксизлигини таъминлаган ҳолда ўқитиши инсонни келажакдаги мутахассислигига визуал тайёрлашга ёрдам бермайди.

Айнан замонавий жамиятдаги таълим тизими нафақат мамлакат учун балки инсон меҳнатининг энг муҳим такрор ишлаб чиқарувчисига айланиши керак.

Бизнинг фикримизча, таълим жараёнларини кучайтириш, амалиётни таълим жараёнларига боғлаш билан қўйидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш мумкин:

**биринчидан:** таълимнинг амалий ва назарий жиҳатдан йўналтирилганлигини кучайтириш, ўқув дастурларига амалий фанларни ва уларни ўтиш жараёнларини кўпроқ назоратга олиш, ўқув жараёнини ишлаб чиқариш ташкилотларида ташкил этиш, амалиёт ўташларида мутахассис кадрларни кўпроқ жалб этиш орқали таълимнинг амалиётга йўналтирилганлигини кучайтириш имконини беради.

**иккинчидан:** таълим тизимининг ижтимоий, иқтисодий ва технологик имкониятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш. Бу инновацион иқтисодиётни шакллантириш учун олий таълим муассасаларида маҳаллий илмий-техник ишланмаларини жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланиш муаммосини ҳал қилишга йўналтирилганлигини англатади.

**учинчидан:** профессионал таълим, академик леций ва мактаб битиравчиларининг қизиқиши ва фаоллигини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўқишига қабул қилинган талабалар билимини рақамлаштирилган технологиялар асосида холис баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, шу орқали талабаларда ижодкорлик, креатив фикрлаш ҳусусиятларини ривожлантириш.

**тўртинчидан:** таълим муассасалари инфратузилмасини ривожлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш учун давлат бюджетидан қўшимча молиявий маблағлар ажратиш ҳамда тегишли мутахассислик ва таълим йўналиши бўйича профессор-ўқитувчилар учун илмий салоҳиятига кўра рағбатлантиришни ташкил этиш ва ривожлантириш.

**бешинчидан:** таркибий ишсизлик муаммоларини ҳал қилиш учун янги касблар учун кадрлар тайёрлаш ва кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш муассасалари инфратузилмасини кенгайтириш.

**олтинчидан:** олий таълимни халқаро ташкилотлар билан боғлаш, ўқитувчилар ва талабаларнинг ҳаракатчанлигини ошириш ҳамда кенгроқ тажриба алмашиш имкониятларини таъминлаш орқали халқаро таълим интеграцияси жараёнларини ошириш.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-639 сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони <https://lex.uz>.

3. О.С.Қаххоров Таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув самарадорлигини баҳолаш. – Т.: “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали № 2, март-апрель, 2019 йил.

4. А.Очилов. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш.// Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. Тошкент-2018.: 76 бет.

5. О.С.Қаххоров. Таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш (Бухоро вилояти мисолида).//Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. Тошкент-2017.: 52 бет.

6. А.Кучаров. Тадбиркорлик соҳаси учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлашда бошқаришнинг ташкилий-иктисодий омилларини такомиллаштириш.// Диссертация 08.00.05-Менежмент ихтисослиги. Тошкент-2006.: 219 бет.

7. А.Махмудов. Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш механизмини такомиллаштириш.// Автореферат. 08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги. Тошкент-2019.: 45 бет.

8. Т.Тешабаев. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш.// Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. Тошкент-2019.: 83 бет.

9. А.Норов. Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият натижаларини тижоратлаштиришни бошқариш механизмларини такомиллаштириш.// Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. Тошкент-2021.: 65 бет.